

АМИР ТЕМУРНИНГ ИЖТИМОИЙ АДОЛАТ СИЁСАТИНИНГ ФАЛСАФИЙ ЖИҲАТЛАРИ

Салимов Бахриддин Лутфуллаевич

Тошкент давлат транспорт университети профессори в.б.

Ҳалимов Сухроб Алишер ўғли

Тошкент давлат транспорт университети талабаси.

Тошбоев Ворис Ахёр ўғли

Тошкент давлат транспорт университети талабаси

АННОТАЦИЯ

Мақолада жамиятда мавжуд бошқа гурухларларнинг, айниқса паст табақаларнинг манфаатлари ҳисобга олинмаслиги ижтимоий муносабатлар тизимида бекарорликни келтириб чиқариши ва жамиятни ларзага соладиган ижтимоий портлашларга сабаб бўлиши, шу боис буни яхши тушунган ўз даврининг оқилу-доно ҳукмдори Амир Темур ўз сиёсатини тузишда ижтимоий қатламлар манфаатларини инобатга олганлиги таҳлил этилган.

Калим сўзлар: мамлакат, миллат, халқ, тоифалар, табақалар, гурухлар, адолат.

АННОТАЦИЯ

В статье анализируется тот факт, что неучет интересов других групп общества, особенно низших классов, вызывает нестабильность в системе общественных отношений и вызывает социальные взрывы, сотрясающие общество, поэтому мудрый правитель своего времени Амир Темур, хорошо это понимавший, при формулировании своей политики учитывал интересы социальных слоев.

Ключевые слова: страна, нация, народ, категории, классы, группы, справедливость.

ABSTRACT

The article analyzes the fact that not taking into account the interests of other groups in society, especially the lower classes, causes instability in the system of social relations and causes social explosions that shake the society, therefore, the wise ruler of his time, Amir Temur, who understood this well, took into account the interests of social strata when formulating his policy. .

Key words: country, nation, people, categories, classes, groups, justice.

КИРИШ

Тарихда 28 давлатни ўз даврида ягона бир мамлакатга бирлаштиришга ҳаракат қилган Амир Темур ҳам бу масалага устувор вазифа сифатида қараган.

Зеро бусиз шундай катта ҳудудда турфа миллат ва элатлардан ташкил топган сон-саноқсиз халқларни бошқариб бўлмас эди. Мамлакатларни идора этиш сўзда бир оғиз гап билан осон айтиладиган ибора. Аслида эса бу жуда мashaқатли иш ва ўта мураккаб жараёндир. Баъзан 3-4 кишидан иборат оилани бошқаришда қийналамиз¹. Ёки маҳаллада, жамоада бармоқ билан саноқли маҳалладошларимиз ва ҳамкасларимизни бир мақсад йўлида бирлаштира олмай жонимиз халак бўлади. Энди ўзингиз хулоса чиқараверинг, бутун бошли ўлкаларни, халқларни бошқаришда бошқарувчилардан нақадар катта матонат ва ақл-идрок талаб этилишини. Албатта, бунда бошлиқларнинг Абу Наср Форобий айтганидек, ижобий фазилатларга эга бўлиши муҳим ўрин тутади. Бошқаларга ўrnak бўладиган ҳислатларга эга бўлган бошқарувчилар юрт равнақи ва халқ фаровонлигини ўйлаб яшайдилар².

МУХОҚАМА ВА НАТИЖАЛАР

Эътироф этиш керакки Амир Темур ҳам ўз юртида адолат байроғини баланд кўтарган давлат бошликлари қаторига киради. Гарчанд жуда катта, бепоён бўлишига қарамасдан у ўз давлатида адолатни таъминлай олган саноқли ҳукмдорлардан биридир. Шунинг учун ҳам Амир Темурнинг ҳокимият тепасига келган илк кунлардан бошлаб, «Адолат эшигини очдим, зулму ситам йўлини тўсдим»³ деб таъкидлагани бежизга эмас. Аждодларимиз орасида давлат ва сиёsat соҳасидаги энг қудратли зот бўлган Амир Темур қонун-қоидаларни ўрнатиб, улардан давлатни бошқаришда фойдаланди. Амир Темур тузган қонун-қоидаларда жамиятдаги мавжуд барча табақа ва тоифаларнинг қизиқиш ва манфаатлари инобатга олинган эди. Жамиятда кечадиган ижтимоий муносабатларнинг барқарор бўлишида бу жихат муҳим аҳамиятга эгадир. Ижтимоий муносабатларнинг мавжуд бўлиш шартларидан бири бу – унинг таркибида турли-туман тоифалар, табақалар, гурухларнинг бўлишлигидир. Чунки, хилма-хил ижтимоий қатламлар диалектик қонуният сифатида ижтимоий муносабатларни ҳаракатга келтиради, ривожлантиради ва такомиллаштиради. Ижтимоий муносабатлар ўз тарихида ҳеч қачон битта ижтимоий қатламдан иборат бўлмаган. Ўтмишга назар солиб, тарих сахифаларини бирма-бир варақлаганимизда ҳам бундай ҳолатни учрата

¹ Салимов Б.Л. Ижтимоий муносабатларнинг коммуникация ва транспорт тизими билан детерминистик боғлиқлигининг гносеологик таҳлили. Фалсафа фанлари доктори диссертацияси. Ўзбекистон Миллий университети. Тошкент. 2022, 224 б.

² Салимов Бахриддин Лутфуллаевич (2020). ФИЛОСОФСКАЯ РОЛЬ ДИАЛЕКТИЧЕСКИХ КАТЕГОРИЙ В ЖИЗНИ ЧЕЛОВЕКА. Историческая психология и социология истории, 13 (1), 111-119.

³ Салимов Б.Л. Ижтимоий муносабатларнинг коммуникация ва транспорт тизими билан детерминистик боғлиқлигининг гносеологик таҳлили. Фалсафа фанлари доктори диссертацияси. Ўзбекистон Миллий университети. Тошкент. 2022, 224 б.

олмаймиз. Ҳаттоқи, «Олтин давр» деб аталадиган ибтидоий жамоа тузуми даврида ҳам одамларнинг турли гурухлари, масалан, қабила йўлбошчилари, коҳинлар, овчилар ва бошқалар бўлишган. Фақат у даврдаги тартиб-қоидалар ҳамманинг манфаати учун хизмат қилган⁴.

Бироқ, кейинчалик бу тамойилга путур етган. Оқибатда эса, жамиятда қарама-қаршиликлар ва норозиликлар авж олган. Бунинг асосий сабаби – жамиятда ўрнатилган тартиб-қоидалар, ижтимоий муносабатларда фақат битта табақа, ёки ҳукмрон гурухларнинг манфаатларини кўзлаган. Жамиятда мавжуд бошқа гурухларларнинг, айниқса паст табақаларнинг манфаатлари ҳисобга олинмаган. Ўз навбатида бундай ҳолат юқорида таъкидлаганимиздек, ижтимоий муносабатлар тизимида бекарорликни келтириб чиқарган ва жамиятни ларзага соладиган ижтимоий портлашларга сабаб бўлган. Буларни яхши тушунган ўз даврининг оқилу-доно ҳукмдорлари, хусусан, Амир Темур ўз сиёсатини тузишда ижтимоий қатламлар манфаатларини инобатга олган.

Ўз тузукларида Амир Темур шундай ёзади: «Салтанатим ишларини қонун-қоида ва интизомга солиб, салтанатим мартабасига зебу зийнат бердим. Салтанатимни ўн икки тоифага бўлиб, уларга таянган ҳолда иш юргиздим. Салтанатим қонун-қоидаларини ҳам шу ўн икки тоифага боғлаб туздим. Бу ўн икки тоифани салтанатим фалакининг ўн икки буржи ва давлатим корхонасининг ўн икки ойи деб ҳисобладим»⁵. Айтиб ўтилган ана шу тоифалар таркибида Амир Темур давлатида яшаган аҳолининг деярли барча қатламлари киритилган эди. Ижтимоий муносабатлар ҳам ушбу фаолиятдан келиб чиқсан⁶. Албатта, бунинг учун ўша ҳукмрон табақа вакилларида ва ҳукмдорларда нафсини ва ғазабини тия олиш, узоқни кўра олган ҳолда сиёsat олиб бориш, ҳаммага адолатли бўла олиш, ақл-идрок билан, оғир ва вазминлик билан иш юритиш каби бир қатор юксак ижобий фазилатлар бўлиши шарт. Ҳеч муболағасиз айтишимиз мумкинки, Амир Темурда бу каби фазилатлар мужассамлашган эди. Булардан ташқари, «Темурнинг ҳислатларидан бири шу эдики, у бирор масалани ҳал этишдан олдин шу соҳанинг билимдон одамлари, олимлари билан маслаҳатлашар, сўнг конкрет қарор қабул қиласан экан»⁷. Бу

⁴ Салимов Б.Л. Ижтимоий муносабатларнинг коммуникация ва транспорт тизими билан детерминистик боғлиқлигининг гносеологик таҳлили. Фалсафа фанлари доктори диссертацияси. Ўзбекистон Миллий университети. Тошкент. 2022, 224 б.

⁵ Салимов Б.Л. Ижтимоий муносабатларнинг коммуникация ва транспорт тизими билан детерминистик боғлиқлигининг гносеологик таҳлили. Фалсафа фанлари доктори диссертацияси. Ўзбекистон Миллий университети. Тошкент. 2022, 224 б.

⁶ Салимов Б.Л. Ижтимоий муносабатларнинг коммуникация ва транспорт тизими билан детерминистик боғлиқлигининг гносеологик таҳлили. Фалсафа фанлари доктори диссертацияси. Ўзбекистон Миллий университети. Тошкент. 2022, 224 б.

⁷ Salimov, Bakhriddin Lutfullaevich (2023). OPINIONS OF CENTRAL ASIAN SCHOLARS ON SOCIAL RELATIONS. Oriental renaissance: Innovative, educational, natural and social sciences, 3 (1-2), 178-182.

ҳолатни ўз даврига хос плюрализм ва демократиянинг ўзига хос кўриниши деб ҳам билишимиз мумкин.

Ҳукмдорнинг қўлида мутлоқ ваколатнинг борлиги, унда ҳеч кимдан сўрамасдан қарорлар қабул қилиш имконияти мавжудли бўла туриб бошқалар билан маслаҳатлашиш, уларнинг фикрини сўраш ва инобатга олиш буни яқол исботидир. Шунингдек, сир эмаски, ҳозирги қунда ҳам жаҳоннинг исталаган демократик давлатини олиб қарайдиган бўлсак, қайси соҳада қонунлар қабул қилинадиган бўлса, аввало, ўша соҳанинг мутахассислари томонидан ишлаб чиқилади. Демакким. қонунларни бу тартибда тайёрлашнинг шакли Амир Темур давлатидан бошланган деб, ҳисобласақ, бу ҳамadolatdan bўлади. Амир Темур давлатида ишлаб чиқилган қонун-қоидаларнинг халқчил бўлиши ва жамиятда яшовчи аҳолининг барча қатламлари томонидан маъқулланишининг асл сабаби ҳам шунда. Амир Темур жамиятнинг илфор кишилари, олимлар ва уламолар билан учрашганда улар билан маслаҳатлашиш ва маълум масала юзасидан фикрларини билиш чегараланмаган. Балки, бундай учрашувларда ўз давлатидаги долзарб мавзуулар бўйича нутқ ҳам ҳам сўзлаб, учрушувда иштирок этаётганларни фаол бўлишга чорлаган, жамият ҳаётидаги мавжуд муаммоларни ҳал этишда ўз ҳиссаларини қўшишиларини сўраган: «Мамлакатнинг аҳволи, девоннинг сусистеъмол қилинганлиги ва қилинаётганлиги, оддий одамларнинг жойлардаги ҳокимлар томонидан қисиб қўйилиши каби ҳоллар ҳаммадан кўра сизларга аёндир. Шулар ҳақида маълумот берсангизлар, бу кабиadolatsiz ишларни бартараф этувчи ҳамда шариат ва қонунларага мувофиқ чора тадбирларни айтсангизлар яхши бўларди»⁸. Мазкур фикридан кўриниб турганидек, Амир Темур мамлакатида кечётган жараёнлардан ва ўз халқининг холидан доимо боҳабар бўлишга интилган. Айниқса, оддий одамларнинг турмуши унинг диққат марказида бўлган. Чунки, ҳокимлар ва бошқаларнинг уларга зулм қилиши эҳтимоли кўплигини билган. Ва бу каби ҳолатларга муросасиз тарзда кураш олиб борган. Зулм ваadolatsizlikka йўл қўйган амалдорларни, ҳаттоқи ўз фарзандлари ва набираларини ҳам аяб ўтирган. Унинг учун ҳақиқат ҳамма нарсадан устун турувчи мезон ҳисобланган. Шунинг учун ҳам, «Амир Темурнинг қоидаси, рости-друсти – эди. Ҳақиқат – сиҳат-саломатлик, ҳақиқат – тартиб, ҳақиқат –adolat демакдир деб тушунтиради, у»⁹.

⁸ Салимов Б.Л. Ижтимоий муносабатларнинг коммуникация ва транспорт тизими билан детерминистик боғлиқлигининг гносеологик таҳлили. Фалсафа фанлари доктори диссертацияси. Ўзбекистон Миллий университети. Тошкент. 2022, 224 б.

⁹ Темур тузуклари. – Тошкент: Faafur Fулом, 1991. – Б. 50.

Амир Темур ўз давлатида яшайдиган, ким бўлишидан ва ижтимоий келиб чиқишидан қатъий назар ҳар бир фуқаронинг тақдирига бефарқ бўлмаган ва уларга муносаб турмуш тарзини яратиб беришга ҳаракат қилган. Ҳар бир ишда адолат билан иш тутишга интилган. Масалан, тиланчилар ва тиланчиликка кураш борасида. Тиланчилик масаласи, нафақат Амир Темур даврида, балки бугунги кунда ҳам долзарб масала бўлиб қолмоқда. Ҳозирги кунда шаҳар ва қишлоқларимизнинг одамлар гавжум бўладиган жойларида қўплаб тиланчилик қилаётган тиланчиларга қўзимиз тушади. Улар орасида эркаклар ҳам аёллар ҳам бор, ёш тоифаси ҳам ҳар хил, 7 ёшдан 70 ёшгача бор. Бу борада қўплаб қарорлар ва қонунлар қабул қилинди. Лекин, тиланчилик ҳамон давом этмоқда. Хўш, Соҳибқирон бу масалада қандай йўл тутган? Бу саволга «Темур тузуклари»даги қуйидаги фикрларни келтириш орқали жавоб олишимиз мумкин: «Яна буюрдимки, ҳар бир мамлакат фатҳ этилгач, у ернинг гадоларини тўплаб, кундалик емиш-ичмишларини бериб, уларга бирон вазифа белгиласинлар. Ҳамда барчаси тамғалансинлар, токи бошқа гадолик қилмасинлар. Агар тамғодан кейин ҳам гадолик қилгудек бўлсалар, уларни узоқ мамлакатларга сотиб юборсинлар ёки ҳайдасинлар. Шундагина гадо зоти мамлакатимдан йўқолади»¹⁰.

ХУЛОСА

Тўғри бу ўринда, уларни, яъни тиланчиларни узоқ мамлакатларга сотиб юборсинлар ёки ҳайдасинлар деган фикрга қўшилиб бўлмайди. Ҳозир 21 аср, инсон шаъни ва қадр-қиммати ҳар нарсадан устун. Кейин тиланчилар ҳам давлатимиз фуқаролари ва улар ҳам худди биз каби давлат ҳимоясида ва қўмагида бўлишга ҳақлидирлар. Амир Темурнинг, уларга бирон вазифа белгиласинлар деган мазмунидаги фикри эса бугунги кун сиёсатига тўғри келади ва ундан ҳозирги давр ижтимоий ҳаётидаги ўткир муаммоларнинг ечимини топишда фойдаланиш мумкин. Бунда, ўша тиланчилик қилаётган юртдошларимизни муайян касб-хунарга ўргатиш ёки лаёқатига қараб иш бериш, ҳалол меҳнат орқали яшашга одатлантириш керак бўлади.

Албатта, Амир Темур яшаган давр билан ҳозирги давр оралиғида 600 йилдан зиёд йиллар турибди. У замондаги ижтимоий-сиёсий тизим ўртасидаги ҳозирги даврдагиси ўртасида жуда катта фарқ мавжуд. Шу боис Амир Темурнинг ҳамма қарашларининг ҳаммаси ҳам бугунги қунги ҳаётимизга тўғри келавермайди. Шу қатори, тўғри келадигани ҳам бор. Бизнинг вазифамиз, ана

¹⁰ Салимов Б.Л. Ижтимоий муносабатларнинг коммуникация ва транспорт тизими билан детерминистик боғлиқлигининг гносеологик таҳлили. Фалсафа фанлари доктори диссертацияси. Ўзбекистон Миллий университети. Тошкент. 2022, 224 б.

шу тўғри келадиган фикрларни қидириб топишимиз ва улардан фойдалана билишдир.

REFERENCES

1. Темур тузуклари. – Тошкент: Ғафур Гулом, 1991. – Б. 50.
2. Салимов Б.Л. Ижтимоий муносабатларнинг коммуникация ва транспорт тизими билан детерминистик боғлиқлигининг гносеологик таҳлили. Фалсафа фанлари доктори диссертацияси. Ўзбекистон Миллий университети. Тошкент. 2022, 224 б.
3. Салимов Б.Л. Ижтимоий муносабатларнинг коммуникация ва транспорт тизими билан детерминистик боғлиқлигининг гносеологик таҳлили. Фалсафа фанлари доктори диссертацияси. Ўзбекистон Миллий университети. Тошкент. 2022, 224 б.
4. Лутфуллаевич, С. Б. (2020). Философская роль диалектических категорий в жизни человека. *Историческая психология и социология истории*, 13(1), 111-119.